



# ОЛМАЛИҚ ҲАКИКАТИ ОНА-ВАТАНГА!

БУТҮН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

## ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17- йил чiqиши.

№ 22 (4269).

31 ЯНВАРЬ

ШАНБА

1970 йил

Баҳоси 2 тиийн

Индустриямизнинг яна бир гиганти — Олмалиқ кимё заводини го'ят қисқа муддатда қуриб битказган азамат, баҳодир бунёдкорларни бутун эл-юрт табрикламоқда.

## ҚУРАМА ТОҒЛАРИ БАҒРИДА ТАНТАНА

Қурама тизма тоғлари бағрига жойлашган гузал ва наворон Олмалиқ ўзининг бебаҳо жавоҳирлари, табиатининг ҳусн-камолети билан тилларда ва дилларда мадҳ этилмоқда. Халқимиз Олмалиқ — бағри бойликка тўлиқ, деб беиз айтмаган. Нобис металлдан тортиб ҳозирги замон қурилиш материалгача ҳамма-ҳаммасининг бағрида мавжуд Олмалиқ ўз бебаҳо бойликларини сажий халқимиз қўлига тўймоқда.

Шаҳарда бу бойликларни қазиб олиш ва уни эл-юрт хизматига қўйиш учун ўнлаб конлар, корхоналар ишлаб турибди. Тоғдан туриб шаҳар қиёфасига боқсангиз аjoyиб манзаранинг гувоҳи бўласиз. Шундоққина тоғ бағрида ўнлаб кўнлар труба, азамат корпуслар, юзлаб тураржой бинолари, энг муҳими буларнинг ҳаммасини ўз орти қўллари билан бунёд этаётган шаҳар меҳнаткашларининг қайноқ турмуши кўз олдингизда ёриш гавдаланади.

Ҳам бебаҳо бой хазинаси, ҳам гузал табиати билан дилларни маътув этган истиснолик порлоқ бу шаҳарда яқинда яна бир гигант корхона — кимё заводи ишга тушди. Янги корхона улуғворлиги ва қўлави жиҳатидан иттифоқимиздаги энг йирик кимё заводлари қаторида туради.

Бундан бир йил муқаддам Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Олмалиқ кимё заводи қурилишини жадаллаштириш тўғриси»даги қарори эълон қилинган эди. Бу янги корхона қурилиши қишлоқ хўжалигини химиялаштириш, минерал ўғитлар ишлаб чиқариши кескин кўпайтириш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини оширишга имкон берадиган муҳим тадбир эди. Шу қарордан сўнг Олмалиқ кимё заводи қурилиши умумхалқ қурилиши деб эълон қилинди. Объект бунёд этилаётган майдонга юзлаб оташ қалб бунёдкорлар, комсомол-ешлар республикамизнинг турли бурчақларидан кела бошладилар. Чунки корхонани го'ят қисқа муддат — бир йил ичида қуриб битказишдек масъулятли вазифа топширилган эди.

Йилига бир миллион тоннага яқин юқори сифатли концентратлашган ўғит ишлаб чиқарадиган кимё заводи қурилиши жадал тус олиб кетди. Уша кўнларни зўр ҳажмон билан элайсан, киши объект майдонига чинакамга қахрамонона ишлар қилинди. Ватанларвар қурувчилар эзининг жазира на иссинига ҳам, қишнинг бултурги қаҳратон совуғига ҳам бардош бериб, корхона цехларини пешма-пеш қўлдан чиқардилар.

Бу борада, айниқса, «Алмаликсвинецстрой» трестининг 2-3 ва 5-қурилиш бошқармалари коллективлари зўр фидокорлик намуналарини кўрсатдилар.

Ушан қурилишда ўнлаб бунёдкорлар ўз ишларининг чинакам қахрамонлари бўлиб танилдилар.

Монтажчилар коллективларининг фидокорликлари, ташаббускорликлари ҳам эл оғзига тушди.

Олмалиқда қад кўтарган гигант кимё корхонасини қуришда Иттифоқимизнинг ҳамма йирик шаҳарлари иштирок этди, десак муболага бўлмайди. Чунки завод қурилишига мамлакатимизнинг 200 дан кўпроқ корхонасидан ҳар хил материаллар ва технологик асбоб-ускуналар келиб турди. Болтиқ бўйи ва Подмоскovieдан вентиляторлар, Киевдан арматура ва автомат агрегатлар, Оренбургдан электрошчитлар, Благовешенскдан вулканизация қозонлари олинди. Навоий химия комбинати, Чирчиқ электрохимия комбинати, Самарқанд суперфосфат заводи ва бошқа корхоналарнинг коллективлари бу кенжа заводга катта қўмак бердилар. Ахир, қаторда норинг бўлса, юкин ерда қолмайди, дейдилар-ку!

Бугун ана шу қимматбаҳо фосфор ўғити ишлаб чиқараётган корхона майдонига минглаб кишилар тўпладилар. Монтажчи ва дурадгор, пайвандчи ва бетончи, кўйинчи, турли касб эгаларининг чехраларида зўр кувонч, шодлик туйғулари барқ уради. Қувонмай бўладими, ахир! Ушан корхона ана шу азамат бунёдкорларнинг ҳақиқий қахрамонона, гайрат ва матонатидан дунёга келди. Бунинг устига у мисли қўрилмаган қисқа муддатда фойдаланишга топширилди.

Ҳа, машаққатли меҳнатнинг илк натижаси ҳаманиннг қалбига ширин ҳаяжон солмоқда. Қурувчилар бугун партия ва ҳукуматимизнинг топширигини барвақт адо этишга қўлдан беҳад мамундилар. «Она-Ватан тўғрисида қабул этилган тўғрисида»даги қарор — дейишмоқда меҳнатсеварлар. Бу уларнинг доҳимиз В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигига муносиб армутоғларидир.

Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. Муҳамедов бу кимё сановати гигантининг ишга туширилишига бағишланган митингини очиб деб эълон қилади. «Алмаликсвинецстрой» трести бешинчи қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Нозим Ҳоқиқов митингга сўзга чиқиб, қўндагиларни айтди.


— Биз Ленин юбилейига муносив тўғрисида тайёрлашга ҳаракат қилдик. Белгиланган муддатлар қисқа бўлса ҳам мусобақа қатнашчилари янгидаги резервларни қидириб топдилар. Биз 1969 йил август ойида иш суръатини тағийн ҳам жадаллаштиришни тақлиф этдик. Биз ваъданиннинг устида чиқдик. Бу қанот ёса бўладики иш эди! Бундан бунён ҳам яхши ишларни истайсиз, киши!

Ўзбекистон ССР қурилиш министри С. И. Иброҳимов, Ўзбекистон ССР монтаж ва маҳсус қурилиш ишлари министри Ф. С. Собиров, «Алмаликсвинецстрой» трестининг бошқарувчиси, ишга туширилган комплекс бошлиғи Ю. Г. Чернов қурилишнинг аҳамияти, унинг сабақлари тўғрисида, янги режалар ҳақида гапирдилар.

Бу қурилиш мамлакатимизга Ўзбекистон ва бошқа нардош республиканиннг далаларини ҳар йили миллион — миллион тонна энг яхши азотли-фосфорли ўғитлар билан таъминлай оладиган аjoyиб корхонани тўғрисида қишлоқ билангина чекланиб қолмади. Қурилиш ишларини ташкил этишнинг прогрессив методлари тўғрисида ҳам таъини қурама тизма тоғларининг этакларида яна бир марта, энг кўлама сийновдан ўтди.

Биз — деми завод директори В. А. Халидов, — эстафетани қурувчилардан қабул қилиб оламиз ва индустрия гигантининг иш улар бажарган меҳнатининг муносиб давоми бўлади, деб ваъда берамиз. Хозирги вақтда бизнинг бутун кучи гайратимиз қувватларини тўла ўзлаштиришга, ўғитларни кўпроқ ишлаб чиқаришга қаратилган.

Ҳосилдорлик индустриясининг ривожлантирилаётганлиги қишлоқ хўжалигини юксалтириш тўғрисида партия билан ҳукумат қилётган ҳам-хўрликнинг яна бир ифодасидир, — деди Еўқа районидagi «Октябрь» 40 йиллиги» кўлхозининг раиси Н. Тўлағанов, — бизнинг кўлхозимиз аммофоснинг дастлабки туркуминини қабул қилиб олди. Бу ўғит пахта етиштириши кўпайтиришда бизга ердан беради. Қурувчи-



лар билан химикларга катта раҳмат».

Химия заводи қурилиши таърибаси қўйиши қурилиш майдончасида ҳам қўлланилади, деб айлиган гаплар мамунитет билан тинглади. Олмалиқда қурилаётган рух заводи шу йилнинг ўзидаёқ металл бера бошлайди. «Промтехмонтаж» бошқармаси бригадасининг бошлиғи Владимир Полянов ўз ўртоқлари пойдан гапириб, ана шу зарбдор қурилишда меҳнат қилишга тайёр эканликларини айттишди.

Тошкент область партия комитетининг секретари К. Н. Бенаев ўз нутқида Олмалиқ химия заводини қуришда орттирилган таърибани омалаштириш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Митингга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Х. ИКРОМОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

СИЗ бу суратларда республикамизнинг янги гигант кимё корхонаси юраги ҳисобланган аммофос цехини кўриб турибсиз. Оташқалб бунёдкорларнинг фидокорона меҳнати туфайли бу цех муддатидан илгари ишга туширилди. Қўмак мағрур бўй чўзган корхона корпуслари гўё тоғ чўқисидан салобатли кўрилади. Эндилкида бу ерда республикамиз пахтакорлари учун го'ят муҳим фосфор ўғити кўплаб ишлаб чиқариламоқда. Юқорида кимё корхонасининг умумий кўриши. Пастда корхонанинг илк пешадамлари аппаратчи Виктор Злобин, аммофос цехининг ишкени Абдурахмон Номозов ўртоқлар.

А. Абалин фотолари.



лар билан химикларга катта раҳмат».

Химия заводи қурилиши таърибаси қўйиши қурилиш майдончасида ҳам қўлланилади, деб айлиган гаплар мамунитет билан тинглади. Олмалиқда қурилаётган рух заводи шу йилнинг ўзидаёқ металл бера бошлайди. «Промтехмонтаж» бошқармаси бригадасининг бошлиғи Владимир Полянов ўз ўртоқлари пойдан гапириб, ана шу зарбдор қурилишда меҳнат қилишга тайёр эканликларини айттишди.

Тошкент область партия комитетининг секретари К. Н. Бенаев ўз нутқида Олмалиқ химия заводини қуришда орттирилган таърибани омалаштириш зарурлиги тўғрисида гапирди.

Митингга Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. Г. Анисимкин нутқ сўзлади.

Х. ИКРОМОВ,  
«Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.



## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

# ҚИШЛОҚЛАРИМИЗ ЧАРОҒОН БЎЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика кўлхоз ва совхозларида ишлаб чиқариш ва уй-рўзгорини электрлаштиришни кенгайтириш масаласини қароб чиқдилар. Шу нарса кўрсатиб ўтилдики, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида, қишлоқ меҳнаткашларининг уй-рўзгорини электр энергиясини қўлланиш учун қўлай шарт-шароитлар вужудга келтирилди. Ишлаб чиқариш жараёнларини электр ердамида механизациялаш ўсиб бормоқда.

Электр энергиясини ишлаб чиқариш мақсадларида кенг қўлланиётган хўжаликлар таърибаси кўлхоз ва совхозлар деҳқончилиги, чорвачилида ишлаб чиқариш жараёнларини электр ердамида механизациялаш, ерларни машини билан сўрошида, ерданчи корхоналарда, ремонт устандаларида электрли қўлланиш учун жуда катта имкониятларга эга эканликларини кўрсатмоқда. Бироқ шу мақсадларда электр энергиясидан фойдаланиш даражаси ҳали паст-паста қолган ва қишлоқ хўжалигини жадал ривожлантириш ва энфаларига ҳамда давлат энергетика системасининг ўсиб бораётган имкониятларига мос бўлиб тушмайётган.

«Усельхозтехника» бирлашмаси ва қишлоқ хўжалик министрлиги хўжаликларда электрлаштирилган агрегатлар, механизмлар

ва аппаратлар ўрнатиш ва уларнинг ишини йўлга қўйиши жуда ҳам чекланган шикдорда олиб бормоқдалар ва уларга техника хизмати кўрсатишни лозим даражада ташкил этилтирилди.

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ишловчиларни электр билан таъминлашни пухта йўлга қўйган эмас, электр хўжалигидан фойдаланиш ва унинг ремонт қилишда кўлхоз ва совхозларга ташкилий-техникавий ердани қонқарсиз амалга оширмоқда.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида электр энергиясини қўлланиш доирасини кенгайтириш

соҳасида илмий-тадқиқот ва лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ривожлантириш кейинда қолиб кетмоқда.

Қишлоқ хўжалик министрлиги областлар ва районларда қишлоқ хўжалигида электр энергиясини қўлланиш юзасидан қўшимча бўлимлар тузиш тўғрисида берилган кўрсатмаларни бажармади. Жуда ҳам оз кўлхозлар ва совхозларини штатда ишлаб турган кинженер-электрикларга, электр-механиклар ва электр-монтерларга ағадирлар холос. Шу сабабли хўжаликлардаги электр-машина ускуналарини қаровисиз қолдириб, улар тез-тездан чиқиб туради.

Қишлоқ хўжалик министрлиги областлар ва районларда қишлоқ хўжалигида электр энергиясини қўлланиш юзасидан қўшимча бўлимлар тузиш тўғрисида берилган кўрсатмаларни бажармади. Жуда ҳам оз кўлхозлар ва совхозларини штатда ишлаб турган кинженер-электрикларга, электр-механиклар ва электр-монтерларга ағадирлар холос. Шу сабабли хўжаликлардаги электр-машина ускуналарини қаровисиз қолдириб, улар тез-тездан чиқиб туради.

«Усельхозтехника» бирлашмаси кўлхоз ва совхозларининг фермаларидаги машиналар ва электр асбоб ускуналарининг ремонтини уларга план асосида техникавий хизмат кўрсатишни, хўжаликларни электр материаллар ва эҳтиёт қисмлар билан таъминлашни лозим даражада йўлга қўйган эмас.

Қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш ўрта Оснб илмий тадқиқот институти ва «Сельэнергопроект»нинг ўрта Оснб бўлими қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида электр энергиясини қўлланиш доирасини кенгайтириш ишлаб чиқариш жараёнларини электр ердамида комплекс механизациялаш схемаларини ишлаб чиқиш, электрлаштирилган янги машина ва механизмлар барпо қилиш масалалари билан етарли шугуланмайтирилди.

(Давоми 2-бетда).



# „БАҲОР“ ҲАМ ҲАҚИҚАТИ

# АРМУҒОН



Суратда: Мукаррама Турғунбоева санъат мухлислари даррасида.

## ЎЗБЕК САНЪАТИНИНГ КЎРКИ

Саҳнага миллий кийимдаги рақоса қизлар кириб келишди. Уларнинг мусийи садолар остидаги ажойиб навсизлари, кўйининг сар бир пардасига ҳос қаракатлари томошбинларни мафтун этди. Рақосалар тох пахта қизларнинг олам-олам шодлигини, гоҳ маҳбубанинг учрашув онидagi қажонини, гоҳ ҳижронда қалбнинг ятиробрларини усталик билан ифодалаб берди. Доиранинг шўхчан садоси рақосанинг хиром этиши энди томошбинларга бўлакча ҳувнок қайғиди бағишлайди. Шу замида бир бирдан кескин фарқ қилдиган, айни вақтда бир-бирини тўлдириб биринкетин жўзадор рақслар ижро этилади.

«Баҳор» ансамбли хали ёш аввало, унинг навқиронлиги шундаки, ансамблде жуққини ёшлиқ кудрати, интилиши, орауси муҳассам. Шу бисдан ҳам ансамбль томошбинлар кузурде ҳамини навқирон миллий рақс санъатимизни муваффақият билан намойиш этиб келмоқда. Кеч шубҳасиз, бу ажойиб ҳусниятларини, миллий рақс услубимизни сақлаб қолиш ва тақомиллаштириш янгидан янги жиллар

Юбилей йилида ансамблимизнинг ўн йиллиги нишонлаётганлиги қувончли роҳатдир.

Шу қиёса муддат ичида биз анчагина мураккаб ишани босиб ўтдик. Ажойиб созандалар ансамблига эга бўлдик. Энди биз радио ва телевидение кўрсатқичларида фаош иштирок этмоқдамиз. Шубҳасиз, бу муваффақиятларда, чолғучиларимиз — Ўзбекистон ССРда хизмат қўрган артист Раббон Хамдамов, артистлар Нажот Тўрақу

жаев, Баҳром Собиров, Талъат Сайфиддинов, Эргаш Қаримов, Анвар Муртазоевларнинг хизмати натижа.

Мен Мукаррама опа билан ансамбль ташкил қилинган кундан бери бирга ишлаймиз. Опанинг янги-янги рақс усул-

ларини топа билиши, жонқурлигини бизга ибрат бўлмоқда. Биз у кишидан жуда кўп нарсалар ўрганилмиш.

Ансамблимиз Ленин юбилейига атаб катта концерт программаси тайёрламоқда. «Озодлик» сўнчаси, «Ёшлик» валон, «Уйна, Раъно», «Нитизор», «Ҳелинчалар» каби рақслар шу программачага киритилган. Шунингдек, машҳур санъаткорларимиз Тамарахоним, Галия Имайлова, Неаҳор Оқилов биз билан ҳамкорликда янги рақслар саҳналаштирмоқдамиз.

Кўтулуг юбилейга мен ҳам кичик туҳфа ҳазирлаганман. «Чавандозлар сўнчаси», «Помир қизи», «Уйнанг, дилдорлар», «Сенсиз», «Тулбаҳор» каби кўйлар юбилейга ҳадямдир.

Шу муносабат билан бизга яқиндан ёрдам бераётган бастакорлар — Сулаймон Юдаев, Манас Левнев, Сайфи Жаъли, Муҳаммадҷон Мирзаев, Фахриддин Содиқов, Набижон Ҳасановларга чўқур миннатдорчилик билдирамиз. Бундан кейинги ҳамкорлигимиз ҳам яна да мустақкам бўлади, деган умиддамиз.

Бахтиёр АЛИЕВ,  
ансамблининг музика раҳбари.

Суратда: «Баҳор» қизлари миллий рақс ижро этишмоқда.

## ЭЛ ОЛҚИШИ КАТТА БАХТ

Киши ўзи босиб ўтган йўлга раҳм солиб чиниши учун маълум бир сабаб керак. Бугун ансамблимиз ун ёшга кирганинг минособати билан мен ҳам беҳтёр «Баҳор»нинг босиб ўтган йўлига кўз ташлаб кўрдим. Ҳўш, одамларни қамқун этгудек бирор шн қила олдимми?

Илк марта рақосалар гуруҳини ташкил этганимизда, атиги ўн бир рақоса бор эди. Биз дастлаб Москвада ўтказилган жаҳон студент ва ёшлари фестивалида қатнашиб, биринчи синавдан ўтдик. Фестиваль иштирокчилари ўзбек рақс санъатига катта баҳо бердилар.

Бора-бора бу кичик гуруҳнинг сафи ўсди, унга янги янги истеълод эгалари келиб қўшилди. Ансамблининг сафи ўсгани сенин ижодий имкониятлари ҳам кенгай борди.

«Баҳор»нинг ўзига хослиги, бошда ансамбллардан фарқи нимада? Фикримча, энг аввало шундаки, ўзбек рақс санъатининг дастлабки кўринишларидан тортиб то бугунги тақомиллигича намойиш эта олаётганимизда. Бунинг барчага маълум сабаблари бор. Ўзбек халқи рақсини, музикани чўқур ҳис қилгани билан машҳур, Шундай экан, қадимданок унинг ўзига хос рақс санъати кўнчилик эътиборини жалб этган. Октябрь иқтилобидан кейин Иттифоқимизда миллий санъатларни ривожлантириш ишлари жаъддий эътибор берилди. Шу жўзладан ўзбек санъати ҳам кенг кулабда тарққий эта бошлади. Мана эндиликда биз яхшигина рақс ансамблига эгамиз.

«Баҳор»нинг репертуарига раҳм солган киши иқтилоб ту-

файли озод бўлган, яратувчи ўзбек аёлининг интилишларини, гуллаётган дйеримизнинг гузалликларини, бахтиёр кўнчилигини тараннум этишга уринаётганимизни пайкаб олиш, шубҳасиз, Ансамблимизнинг номидек, бизга катта масъулият юқлайди.

«Баҳор» чин маънос билан баҳорини, бахтиёрликни, гузаллигини тараннум этмоғи керак.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш лозимки, иттифоқдош республикалар, Осиё, Африка, Европа мамлакатлари бўйлаб қилган гастрол сафарлари биз учун катта мактаб бўлиши. Шу сафарлар вақтида ҳар бир халқнинг рақсларини ўрганиб қайтамиз. Бу, аввало, репертуаримизни ранг-баранглаштирсин, иккинчидан, шу халқлар билан бўлган дўстлигимиз, ҳамкорлигимизнинг ёрқин тинчсоли бўлиб хизмат қилсин.

«Баҳор»нинг келажаги ҳақида кўп ўйлайман. Биз бошланган ишни давом эттирувчи ёшларни тарбиялаш ҳақида бош қотирман. Ҳозир пойтахтимиздаги хореография билим юртида тахсил олаётган ёшлар ораида истеълодлик рақосалар кўп. Уларни ансамблга жалб этиш ниятдамиз. Ижодий муваффақият фақат меҳнат тўғйилигига кўлга киритилади. Ёшлар бунн доимо едда тутишлари керак. Бугунги кун томошбинининг талаби жуда юксак. Бундай томошбинини қанзур бўладиган рақс яратиш эса мушкул.

Ансамблимиз Ленин комсомолн ҳамда Ҳамза мўфотлар билан тақдирланган. Бу зимманга янада катта масъулият юқлайди. Шунингдек, бу санъаткорларга билдирилган ишонч ҳамдир. Биз халққа манзур бўладиган рақслар яратиш, шу ишонччи оқлашга ниятдамиз.

Мукаррама ТУРҒУНБОЕВА,  
Ансамблининг бадий раҳбари, СССР халқ артисти.



## ДУНЁ ХАБАРЛАРИ

### БЕҒАРАЗ ЁРДАМ

ДЕХЛИ, 29 январь. (ТАСС). СССР Оғир, Энергетика ва транспорт машинасозлиги министри В. Ф. Жигалин Ҳиндистонга қилган визитини тавомлади. У Ҳиндистонда Совет Иттифонининг «техникави» ҳалқорлиги воситидада қурилган корхоналарнинг ишлаши билан танишди. В. Ф. Жигалин ва унга ҳамроҳ бўлган кишилар Равиндаги оғир машинасозлик заводини ҳамда Дургаурдаги қончлик оғир машина ускуллар заводини кўзлан кендиранди. Бонарадаги металлургия заводи кўрилинди ва бошқа корхоналарда бўлдилар. Совет делегациясининг аъзолари ҳинд инженерлари, техниклари, ишчилари билан шунингдек, совет мутахассислари билан учрашдилар. Совет делегацияси Ҳиндистон Мудофаа министри — Пўлат ва Оғир машинасозлик

### ОЗОДЛИК БАЙРАМИ

ПРАГА, (ТАСС). Шарқий Словачкининг илрик шаҳарларидан бири — Попрада шаҳрининг аҳолиси Совет Армияси томонидан фашист босқинчилардан озод қилинган кўннинг 25 йиллиги байрамини ўтказмоқда. Шаҳарни озод қилиш учун курашда ҳалон бўлган совет ва чехословак жангчилари қабрига гулчамбарлар қўйилди.

Шаҳарликлар байрамда қатнашиш учун Совет — Иттифондан келган меҳмонларни — 1945 йил январь ойида шу жойларда олиб борилган жангчиларнинг қатнашчиларини сазимий кўтиб олдилар.

Попрада меҳнатчилари озодлик юбилейини нишонлаб, шаҳарнинг 25 йил мобайнидаги тараққийини яқунламоқдалар. Бу шаҳар республиканинг йилри мулоқиди ва саноат маркази бўлиб қолди. Унда замонавий корхоналар қад кўтарди. Шаҳардаги ёғочсозлик заводининг маҳсулотини кўп мамлакатларга яхши маълум. Яқинда бу ерда халқаро аэропорт очилди.

### ШУ ЙИЛНИНГ ЯНГИ ИНШОТЛАРИ

БУДАПЕШТ, (ТАСС). Венгрияда 29 та янги йилри саноат корхоналари қурилиши 1970 йилда тугалланди. Булар орасида Дьёрдаги мотор заводи ва автомашиналар учун запас қисмлар ишлаб чиқарувчи завод, Негрешуйфаладаги сувий

### ТОҒДАГИ ФОЖИА

Инглиз сувочиси Артур Иларсоннинг хотини ўғил туғиб берди. Ота-она унга «Рой» деб ном берди. Бахтиёр ота одамларга ўғлини альянист қилиб етиштирмаган, деб эълон қилди.

Артурни бу ишга жазм этишга мажбур қилган сабаб маълум эмас. У чиндан ҳам баҳайбат қоллар бағрида юксаликна саҳаёт қилишни севади. Балини у ана шу йўл билан шўхрат қозонмоқчи бўлгандир.

Бола бир неча ойлик булиши билан отаси ва анаси Ланкашир графлиги телалинларига саҳаёт қилдиришга бошладилар. Тўдан отасининг роҳзагида сайр қиларди. Рой уч ёшга кирганида йилги ўзи юксаликна қилиб қўйди.

6 ёшда эса атрофдаги болалар билан телалинлар, қолларда сайр қилиб қайтди. Ройнинг отаси альянистликни уик тобора қиндиктириб борарди. Унга хилмор шлеми, узун чейлон арқонча ва бошқа анжонлар олиб берди. Артур ўғлини бирор кун ҳам тинч қилмасди. Тин қоллар, черное миноралари чўқисиди шахсан ўзи мамлаки қилдиранди.

Рой 7 ёшга кирганда биринчи бор бахтсизликни кўй берди. Ота-она завод трубаси орақли юворчи нўтарилишгаётганда Рой трубадан тўсатдан кирганини кетди. У тасодифан арқонча иланиб қолди, улимдан қолди. Шундан сўнг кундалик машғулот бир неча кунга тўхтатиб қўйилди. Лекин, Артур Иларсон ўғли билан баландлиги 4478 метрлик Маттерхорнга чи-

## МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАРИ

## ИЛҒОРЛАРГА ЭРГАШИШ

тола ишлаб чиқарувчи корхона, бор, 6,5 километр узунлигидаги метро янги линиясининг биринчи навбати ишга туширилади. Шу йил мобайнида Петада азотли ўғитлар заводи, Мохачда ёғоч тола пилта заводи ва бошқа саноат объектлари қурила бошлайди.

...Мажлисдан хафа бўлиб чиққан Рихсиддин Уйлаб-Уйлаб етолмасди. «Нега бу сафар бақадоларимизга ютқазиб қўйдик. Цех ишчилари ўз вази фаларига садоят билан қара шайити-ку. План ҳам бажарилди, тайёрланган маҳсулот сифати ҳам олдингига қараганда бир муачча яхшиланди. Қоллар, цехни орқага суқаралдиганлар йўш. Ташкилотчиликнинг мазаси йўш, ишчи эълай олмайман, нима қилсам экан, ўйлардан у.

Иларсон хотинининг розилигини олиб, Ройни Швейцарияга олиб кетди. Кесин атмосферада боланинг нафас олиши қинимлашса ҳам Артур саҳатини давом эттириши бир нун ҳам тарк этмади. Маттерхорн кўнчилиги етиш олдидан ота-бола баландлиги 4003 метрлик Сольвайхонте кишлоғида тунашди.

Уларни сўнгги марта швейцарияликлар бир провондига кўрган экан. У Илларсонлар билан Маттерхорн кўнчилигидан 300 метр теверонда эрта билан соат 5 ларда амрланган экан. Провонднинг илглиз саҳаотчиларига кўнчилиги чинишни бошқа кўнчи кўнчилиши маслаҳат берди. Бирор, Артур унинг маслаҳатини қатъийан рал қилиб «Йўш, биз албатта бугун боришимиз керак», деб бўлди да вом этавергани. Шу-шу бўлган, на Артурдан, на унинг ўғлидан даран бўлмаган.

Ота-болани синчилик қилдириб кўришди. Лекин, топиша олмайди. Швейцария полицияси уларни излашни кенрча тўхтатиб турганимиз баҳорда, тогдан қор кетганда уларни яна қидириб кўрамиз, деган хулосага келди.

Артур Иларсон ва унинг 8 ёшли ўғли Рой Маттерхорн чўқисига чиқаман, деб ана шу зайдда қалон бўлишди. (АПН).

қоқиб, яна бир бор далда берди.

Бу ўтган йилнинг ёзида бўлган эди. Агар биз шу кунларда Янсийўлда бўлиб, понафазал фабрикаси ишчилари меҳнати билан тайинишадиган бўлсангиз Рихсиддин Эшпўлатов бошчилиги қилаётган 4-цехни илғорлар қаторида тилга олишарди. Бу ерда асосан мактаб ёшлари болалар учун турли фасонда понафазаллар тикилади.

Дарвозадан кириб чиқга бундиди. 4-цех ишчилари меҳнат қилганда, қўнчилиги қаватга кўтарилди. Қонвейердаги қўнчилиларга тортилган понафазалар ҳар тайин участкада лозим бўлган операциядан ўтгач насти. Биринчи қаватга, у ердан эса оморга ўтади.

З. Ноброқимова, А. Шукуров, М. Орипов, В. Шейвов ва бошқалар номи цехда эмес, балки корхонада илғорлар қаторида тилга олишарди. Чунки бу ишлаб чиқарин илғорлари меҳнатда, қорш туришда, ямаот ишларига бошқаларга ўрнак бўлишмоқда.

Яқинда фабрика ишчилари йиллигини бўлди. Улар Бенобод металлургия ва Мирзақўлдаги Ленин номи совхоз пахтакорларининг ташаббусига қўшилди. Ленин таваллудининг 100 йиллигини муносиб совғалар билан кўтиб-олишга аҳд қилишди. Понафазалчилар зиммаларига қонкрет мажбурият олишди. Тўрт ойлик планини дохий тугилган кунга, йиллик планини эса 25 декабрда адо этишга, қўлада тутилганидан кўра бир неча минг жуфт кўп болалар понафазал ишлаб чиқарнига аҳд қилишди.

Юбилей аргумонига Р. Эшпўлатов бошлиқ 4-цех ишчилари ҳам муносиб ҳисса қўлиш ниятида ёндоқорнома меҳнат қилмоқдалар.

— Зуқуржон ака, ишни эълай олмайман, йўш-йўриқ кўрсатинг, маслаҳатлашгани кирдим.

— Жуда яхши, — илқиқ бу ишчи олди цех бошлигини. Зуқуржон ака ва оҳиста гап бошладди.

— Мустақил ишга ўтганинг эсангизми, — деди бош иженер суҳбатдошига энгдан тилинлар экан, — ўшанда ҳам али ва қийналган эдинг. Кўп ўтмай эса эсдан чиқиб кетди, пешқадамлар қаторидан ўрин олдинг.

— Кўпчилигига бош бўлиш бошқа нарса экан, — эътироз билдиригандек бўлди Рихсиддин.

— Фикрингга кўйишмаман. Лекин, қаловини билсанг қор ёнади деган нақд бор, халқимизда. Ҳар бир ишчи билан муомалада бўлганимизда, унинг қоринга кўз солабистини, камчилигини дўстларча тушунирт, илғорлар тажрибасини оммалаштиришга интил. Қолаберса цех лиги. Кўп ўтмай ҳаммаси ишга тушиб кетди.

Бош иженер цех бошлигини кузатиб қўйган елкансига

### ЛАОС УСТИДА УРИБ ТУШИРИЛДИ

ХАНОН, 29 январь. (ТАСС). Вьетнам Информацион агентлигининг Кассан Патет-Лав агентлигига асосланиб хабар беришича, Лаос халқ армиясининг жангчилари Американинг яна икки самолётини уриб тушир-

### Африка. Марказий Африка республикасининг

хукумати қишлоқ хўжалигига катта эътибор берапти. Деҳқонлар техника, уруғ ва ўғитлар билан таъминлаб турилади. Суратда: Банги қишлоғида ер ҳайдаш пайти. Б. Федоров фотоси. (ТАСС).



Африка. Марказий Африка республикасининг хукумати қишлоқ хўжалигига катта эътибор берапти. Деҳқонлар техника, уруғ ва ўғитлар билан таъминлаб турилади. Суратда: Банги қишлоғида ер ҳайдаш пайти. Б. Федоров фотоси. (ТАСС).

# ҚЎЛНИ ҚЎЛГА БЕРИБ...

Ҳамжихатлик бор жойда тинчлик, тўқилиш, фаровонлик бор. Гулларнинг дўстлиги бор. Ҳа, шундай. Ҳамжихатлик билан иш олиб борилган жойда ҳеч нима доғда қолмайди. У ерда осойишталик, тинч иқодий меҳнат ва ободлик дом ҳамоҳ бўлади.

Яқинда область ички ишлар бошқармаси, суд ва прокуратура ходимлари билан олимлар, ёзувчилар, шоирлар ва журналистларнинг учрашуви кечасида бунинг гувоҳи бўлдим.

Мақсад мусавфо ҳаётимизга ва тинч иқодий меҳнатимизга оз бўлса ҳам раҳна солишга уринаётган орамиздаги баъзи безориларга, техниклар, ичкиликчиларга қарши биргаликда аёвсиз кураш олиб бориш, уларга қадамба-қадам жамоат тазйиқини ўтказиб туриш ва шу йўл билан уларни қайта тарбиялаб ҳақиқий меҳнат йўлига қайтаришдан иборат.

Область ички ишлар бошқармасининг оператив ходимлари билан ёзувчилар ва журналистлар ана шу умумий мақсад йўлида ҳамжихат бўлиб иш олиб бормоқдалар. Хуқуқшуносларимиз совет қонунчилигини қатъий туриб ҳимоя қилаётган бўлишса, ёзувчи ва журналистларимиз безориларнинг ҳақиқий ниёбларини очиб, сатира қамчиси остига олишмоқда.

Кечада область ички ишлар бошқармасининг бошлиғи ўрток М. Шералиев ана шу умумий мақсад ҳақида қисқача доқлад қилди.

— Ҳар қандай жиноят ичкиликчиларнинг оқибатида келиб чиқади. Ҳаётини тажриба ва қўлимиздаги фактлар шуни исботлаб турибдики, — деди ўрток Шералиев. — Ичкиликчилар — жамоат тартибини бузиш, ўғирлик, қотилликка сабаб бўлмоқда. Шундай экан, биз айниқса жиноятнинг ана шу хавфли йўлини тўсшимиз керак. Ободимизда жиноятчиликнинг ҳар бир турини қаматириш ва уларнинг олдини олиш соҳасида бир қатор ижобий натижалар қўлга киритилди. Бу соҳада айниқса кенг жамоатчиликнинг роли катта бўлмоқда.

Кечада шоирлардан Анвал Пулат, Султон Анварий, Гулчехра Нуриллаева ўртоқлар уларнинг янги шеърларини ўқиб беришди. Ёзувчи Абдураҳман Раҳмат эса Улуғ Ватан урушида жасорат кўрсатган ҳақдорлар ҳақида кеча қатнашчиларига ҳикоя қилиб берди. Ўзбекистон ССР Радио ва телевидение дав-

лат комитети раисининг ўринбосари Убай Бурханов эса телевидение ходимларининг оқилиш сариятларига қарши олиб борган ишлари ва нелюсидея режалари билан ўртоқлашди.

Кечада ёзувчи С. Волгин, М. Гребенюк ўртоқлар ҳам сўзга чиқдилар.

— Бугунги иқодий учрашувимиз, — дейди кечада сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Журналистлар Союзи правленисининг масъул секретари ўрток Х. Тожибоев, — мақсадимиз ҳам, йўлимиз ҳам бир эканлигини исботлаб турибди. Биз истар эдикки, бундай учрашувларни тез-тез ўтказиб, ишimizдаги, ютуқ ва камчиликлариимизни ўртоқлашиб ҳамкорликда иш олиб бораик, жиноят шунчалик қаматиб боради.

Шунингдек кечада юридик фанлари доктори, академик Отабой Эшонов кеча қатнашчиларини олимлар номидан табриклаб, уларнинг умумхалқ манфаати йўлида олиб бораётган жанговар ишларига катта муваффақиятлар тилади.

# ГУЛЛАР ЧАМАН-ЧАМАН

Гуллар ҳаётимизнинг кўрки ва безаги. Ранго-ранг гуллар ўзининг гўзал кўриниши, муаттар ҳидлари билан кишини мафтун этади. Йилнинг қайси фаслида бўлмасин хоҳ очик далада, хоҳ теплица шаронтида улар ўз гўзаллигини кўз-кўз қилиб туради. Оржоникидзе районидаги Ленин номидаги кўлхоз теплица хўжалигида ҳам турли байрамларда аҳолига ҳада этиш учун

минг-минглаб ажойиб гуллар ўстириляпти. Бу ишларда республикада хизмат кўрсатган агроном Зайниддин ака Фахриддиновнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Суратларда: (чапдан ўнгга) шу теплицада очилган калий, георгин ва атир гуллар.

А. Абалаев фотолари,



## Муриқ МИСРАЛАР

**БАТАН (ҲАЗАЛ)**

Бу Ватан хоки азизликда азиз бошимча бор.  
 Ҳар гийё, тоши қадри, кўзу қошимча бор.  
 Бу Ватан жаннат жаҳонда, тоғи ҳам богдек гўзал,  
 Халқи сажийликда тенгсиз, қалби қўшимча бор.  
 Шу сажийликдан олиб баҳра чўду саҳро обод.  
 Бунда ҳар бир тошда файз,

бор, марварид тошимча бор.  
 Бу Ватан иссонини Инсон қилди-ю, қадр айлади,  
 Шу сабаб ҳар чол — забардаст, ўн саккиз ёшимча бор.  
 Эрку инқоб борни, Нурбек, Кўш Ватан кўрғига кўри,  
 Меҳри иссиқликда халқим қавму қардошимча бор.

НУРБЕК.

**МЕТАЛЛУРГЛАР КЎЧАСИДА**

Илҳом оғушидаман Қўлда қаламий-созим.  
 Нимадир қалбим ўртар, Интрашга шай овозим.  
 Металлурглар кўчаси, Бўйлаб ўтаман яна.  
 Қалбда шеър қанотларим,  
 Қўйлаб ўтаман яна.  
 Юрагим олиб қолган,  
 Қиз ҳақида ўлайман,  
 Ўз-ўзинча у дилбар,

Нозларини сўйлайман.  
 Металлурглар кўчаси,  
 Дилга яқин туюлар.  
 Мен худдан ўтган онда,  
 Қўйлаб ўтаман яна.  
 Шу кўчада таниш ўй,  
 Ёшлар кетолмайман.  
 Бир барнога ошиқман,  
 Қўйламай ўтолмайман.

Файзулла ЗИЕДУЛЛАЕВ.

## ДОНОЛАР СЎЗИ

Агар одам фақат ўзи учун меҳнат қилса, у эҳтимол, маъшур олим, буюқ дошмандай, ажойиб шоир бўлиши мумкин, лекин у ҳеч қачон ҳақиқий, муқаммал ва улуг одам бўлолмайди.

К. МАРКС.

Одам кўп нарса еттишмаси ҳам ашайвериниш мумкин, аммо у бошқаларсиз яшай олмайди.

БЕРНЕ.

Тўғри йўлдан оқсоқланиб юрган одам йўлдан адашиб чопиб бораётган одамдан ўзиб кетади.

БЭЖОН.

Бировни хўрлаш билан айни чоғда ўзингни ҳам хўрлаган бўласан.

Б. ВАШИНГТОН.

Буоқликка эришишни истаган одам, гўте айтганидек ўзини чегаралай билиши керак. Аксинча қанча нарса ни хоҳлаган одам аслида ҳеч нарса ни хоҳламайди ҳам, ҳеч нарсага эришолмайди ҳам.

ГЕГЕЛЬ.

Ҳамманни маътайдиган одам ҳеч кишини қадрламайди.

С. ЖОНСОН.

Оз нарсани қадрлай олмайди ган киши кўп нарса яқтотди.

МЕНАНДР.

Инсоннинг маънавий фазилатлари ҳақида унинг айрим ишларига қараб эмас, балки қундалиқ турмушига қараб баҳо бериш зарур.

ПАСКАЛЬ.

Ўзини бошқара билмайдиган одам бошқаларни ҳам бошқара олмайди.

ПЕНН.

Олжаноблик кучда эмас, балки чидамдир.

РЕСКИН.

## РАССОМ ТАБАССУМИ



Сўзсиз сурат.

— Доктор, кечаси шундай қаттиқ хуррак отаманки хуррагимдан ўзим чўчиб уйғониб кетаман...  
 — Ундай бўлса бошқа уйга чиқиб ётигинг...

— Товба! Математиклар қандай қилиб икки нуқта ўртасидан тўғри чизик тортаолиш шарҳини-а?!

А. Холиқов чизган расмлар.

## Реклама Эълонлар

**ТЕАТР**

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА 31/1 да Зайнаб ва Омон, 1/11 да Евгений Онегин (кундузи), Севги тумори (кечуруни, билетлар сотилган).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/1 да Бой ила хизматчи, 1/11 да Олтинчи июль (кундузи), Анжонларини (кечуруни).

МУҚИМИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/1 да Паранжи сирлари, 1/11 да Кумуш тўй (кундузи), Навоий Астрообда (кечуруни).

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «Ш ГАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 31/1 да Баҳе (кундуз соат 4 да), 1/11 да Учичи оруз.

**КИНО**

Махфий миссия — «СПУТНИК» (кундуз соатларда), «МОСКВА» (кундуз ва кечуруни).  
 Николай Сличенко — «СПУТНИК» (кундуз соатларда), «ДРУЖБА» (кундуз ва кечуруни).  
 «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 5, кеч 6 яримда).  
 Севишганлар — САНЪАТ САРОНИ (кундуз соат 2, 3.15, кеч 8.30 минутларда «ЧАПКА» (кундуз ва кечуруни)).  
 Аннелина — фаришталар маънаси (2 серия, кундуз соат 3, кеч 6 ва 9 да), «Экваторлик» пессанир (эрталаб соат 11, кундуз 1 да); — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ».

Сангам (3 серия, ўзбек тилида, кундуз соат 4 яримда), Тилла зирак (кундуз соат 2, кеч 8.20 минутда, ўзбек тилида); — НАВОИЙ НОМЛИ.

Дўзах остонасида «ВОСТОК» (кундуз ва кечуруни).

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**

2 февралда АБОМЕНТ № 5 (Шаҳар студентлари учун) ИККИНЧИ КОНЦЕРТ-ЛЕКЦИЯ

Ўзбек композиторларининг қўшиқ, романс ва чолғу ансамбллари учун яратган асарлари ҳақида сўхбат.

ЛЕКТОР — ЎзССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, музикашунос Товур ЖУМАЕВ.

Қатнашадилар:

М. Қоринқубов номли Ўзбек давлат филармониясининг ТУХТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ ОРКЕСТРИ

Орнестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижери Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Саид АЛИЕВ.

ДИРИЖЕР — Аббос БАХРОМОВ.

Ўзбекистон ССР халқ артисти: Гулом АБДУРАҲМОНОВ, Шаҳодат РАҲИМОВА;  
 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Баҳром МАВЛОНОВ, Мирза ТОҲИРОВ; СОЛИСТАР: Сова ШУКУРОВА, Анавар РУСТАМОВ, Манзула МУМИНОВА, Анавар НАЗАРКОНОВ.

Концерт-лекция кеч соат 8 да бошланади.

Абонементлардан ташқари билетлар концерт зални насасида кундуз соат 2 дан сотилади.



Чимёнга қалин қор тушди. Ҳар қўнғилди хордиқ чиқармоқдалар. Ҳа шаҳарлардан келганларга мазмуни дам олишлари учун барча шаорат яратиб берилган. Су-В. Исхаков фотоси.

шанба ва якшанба кунни неча юзлаб кишилар бу ерда чанги учиб, Тошкент, Олмалик, Чирчиқ, Янгиёул, Оққўрғон, Чимкент ва бошқа мазмуни дам олишлари учун барча шаорат яратиб берилган. Су-В. Исхаков фотоси.

# ҚОДИР САЁН

## ФЕЛЬЕТОН

Қодир «Главташкентстрой»нинг иختисослаштирилган «Таштранспестрой» трестига қарашли 9-куриниш бошқармасида ишлаб юрганлида омади келиб, тўртинчи разрядда қўрилди. Бу вазифада иш юриши «ялғор бригадир» деган номга сазовор бўлди.

Обрўси ривож топиб, хурмат-эҳтиром Қодирни худди темир қиллар оҳанграбо атрофини ўраб олгандек қўриш олдди. Зероки, йил-йилларда президиумга Қодирни чиқариб қўйишар, бирор қўйи ёки юқори ташкилотларга вакил сайлаш керак бўлса, Қодирнинг номини олдди. Бунинг устига топиш-тутиши ҳам чакни эмас. Ҳам-ёнда муллажирнинг бисер.

Лекин Қодир Жалилов ўз маънасини сақлаб олмади. Йўлдан озди. Ахлқий жиҳатдан айниди. У кўча-кўйда қиз-жувоҳларга дуч келгудек бўлса, уларга гап отар, тизирлик қилар оиди.

Шу тариқа у ер — бу ерда тунаб, тенгабар юриб, ўтган йил қуварларинг бирини трест раҳбарлари олдига кириб, бош эгиб, кўл қовуштириб:

— Бир туқанинг тағида тураман, — деди у. — Тошкентдан секция берсанглар. Оламни кўчириб келаман. Қарамоғимда санкиз жон бор. Келиннинг оғир оёқ. Кўзи ёрса, тўқиза июн гардонимда. Шунга қараб тўн бичинглар...  
 Трест раҳбарлари масхалатлашди. Чилонзор массивидаги 24-квартал 26-уйдан тўрт хонали секция беришди. У бу уйни яқин интида олмади. Илгари болачақда ҳузурга ҳафтада бир-икки марта келиб-кетибган бўлса, эн-

дир баланд келиб, — тапни шаръий томонини айтсам, сен меннинг ҳасмидаги хотинсан. Илгари замонда ҳатто, саводез эрларка ҳам тўрт хотин раво қўрилган. Мен бўлсам олиё маълумотлиман. Иккинчи сақласам сақлабманда! Агар шаръий талабимга ризо бўлмасанг, талоқ хатингни қўлингга бериб, бошимни олиб кетманг.

Нафиса Жалилова йигирма йиллик умр йўлдошдан эшитган бу гапларга чидай олмади. Инглади, дили вайрон бўлди. Кейин қайнонга, қайноласига ўғлингизга насихат қилинг, бу йўлдан қайтарилинг, деб ялиниб-ёлборди. Лекин, Жалия ота билан Қумир хола поқобил ўғили бу йўлдан қайтариб қўймади. Аҳён-аҳёнда уйга келиб Нафиса ошани ҳақоратлаб, фарзандларнинг кўзларини ёшлаб кетди. Нафиса опа юқоридagi эдиректа бориб, болалари учун ярдан моддий ёрдам сўраганда бир ойга деб 40—50 сўм берди. Шунда Нафиса опа:

— Тўқиз жонга бу нима бўлади, — деса, Қодир:  
 — Ким ошдан ўлибди, пон-чойга етади. Қани жунаб қол-деб, хайдади. Лекин, вафодор хотин, «ерим ақли-хушини янгиб олар» деган умид билан ҳамма кўрликларга, ҳақорат ва таҳдирларга

бардош берди. Бир кун келиб юзимга, солмасин, деб уйдаги гапларини кўчага чиқармади, юрак дардларини, хасратларини бирор-бирга айтмади. Фақат ичига ютди. Лекин унинг кечакатган азобларини сўзлаб сезиб, туришди.

Яқинда Нафиса опа болаларига моддий ёрдам сўраб борган эди, эшик берди. Аммо, ичкаридан аёл киши билан эриак кишининг гўн гир-гўнгир овози базур эшитилди. Нафиса опа дағ-дағ титраб, зарб билан эшикка кетма-кет мушт туширди. Бояси овоз ўчиб, тапир-тушир бошланди. Вироздан сўн бузариб Қодир эшикни оиди. Нафиса ошани кўрди-ю, ранги кўз ўчиб, шағамдек ютди. Нафиса ошани ичкарига отилди. Лекин ҳеч ким йўқ. Ҳанг-манг бўлиб турган эди, шифоньер ичидан «қитир-қитир» овоз эшитилди.

— Унинг ичиди аям бор, — сўради ҳаяжонланиб.  
 — Му-му-шу шу! Қодир шу дўғулашиб қолди. Нафиса опа шифоньер томон қадим ташлаган эди, бошига зарб билан мушт тушди. У худшидан кетди. Шу пайт шифоньер ичидаги «мушук» — бир аёл жунаб қолди.

Қодир Жалилов сирининг фойш бўлишидан чўчиб ишдан бўшайди. Секцияга ошанини кўчириб келтиришга мажбур бўлди.

Кўп ўтмай шу адресга бир хат келди. Хатнинг даромади шундай: «Салом Қодир ака! Еган хатингни олдим. Нима ҳам десам? Мен боши берк кўчага кирганман. Ўзимни ўзим тўшунмайман. Ҳеч нарсага қизнақилманман. Мана, икки ҳафтадан бери сизни кутаман.

**СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА**

3-4 ФЕВРАЛДА

Ўзбекистон санъат усталари ва ёш ижроичилар иштирокида

**КОНЦЕРТ**

ҚАТНАШАДИЛАР:

СССР халқ артисти, Давлат мунофотининг лауреати ТАМАРАХОНИМ

СССР халқ артисти, Давлат мунофотининг лауреати ГАЛИЯ ИЗМАЙЛОВА

Ўзбекистон ССР халқ артистлари: Гулом АБДУРАҲМОНОВ, Кундуз МИРҚАРИМОВА, Клара ЮСУПОВА;  
 Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: Қувондиқ ИСНАНДАРОВ, Қантар ОТАБОВЕВ, Виллоят ОҚИЛОВА, Мирза ТОҲИРОВ;

СолισταР: Алишон ҲАСАНОВ, Гулшод ОТАБОВЕВА, Анавар РУСТАМОВ, Ҳайрулла ЛУТФУЛЛАЕВ, Манзура МУМИНОВА, Қизилархон ДУСТМУҲАМЕДОВА, Баҳоидир ЗИМУҲАМЕДОВ;  
 ТУХТАСИН ЖАЛИЛОВ НОМИДАГИ Ўзбек халқ чолғу оркестри

Орнестрининг бадиий раҳбари ва бош дирижери — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист САИД АЛИЕВ

Дирижёр — Аббос БАХРОМОВ.

Ўзбек халқ чолғу ансамбли

Программани Гулом ТОНИ-АБЛОВЕВ олиб боради.

Концерт кеч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зални насасида кундуз соат 2 дан, район насасларида эрталаб соат 11 дан сотилади.

**ЎЗБЕКИСТОН ССР АЛОҚА МИНИСТРЛИГИГА** бухгалтерлар ва бухгалтер ревизорлар

**КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Уришнинг кўчаси, 7 уй. Телефон № 35-11-53.

**ЎЗБЕКТОРСИРЬ» БОШ БОШҚАРМАСИГА** бош бухгалтер ўринбосари, катта бухгалтер

**КЕРАК**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Навоий кўчаси, 36-уй.